



**ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК**  
“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ҚУРИЛИШ БАНКИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

**2013 йил якунлари бўйича  
АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Тошкент, 2014 йил 2 май

## **А**КЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙҲАТИ

1. Банкнинг Бошқарув органлари, Тафтиш ва Саноқ комиссиясининг таркиби
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби
3. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби
4. Банк фаолиятининг 2013 йилдаги асосий кўрсаткичлари
5. 2013 йил 31 декабрь ҳолатига Банк бухгалтерлик баланси
6. 2013 йилги Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот
7. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибининг 3-масаласи бўйича маълумот ва таклиф
8. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибининг 4-масаласи бўйича маълумот ва таклиф
9. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибининг 5-масаласи бўйича маълумот ва таклиф
10. Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш бўйича таклиф (Кун тартибининг 6-масаласи)
11. Банк Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш бўйича таклиф (Кун тартибининг 7-масаласи)
12. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йилга узайтириш тўғрисида Банк Кенгашининг хулосаси (Кун тартибининг 8-масаласи)
13. Банк Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси
14. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорининг лойиҳаси

## **Б**АНК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ТАФТИШ ВА САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

### **БАНК КЕНГАШИ**

Ибрагимов Ғуломжон Иномович	Банк Кенгаши Раиси	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари
Ғуломов Равшан Аюбович	Банк Кенгаши Раиси ўринбосари	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори
Алимов Бедил Хондамирович	Банк Кенгаши аъзоси	«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Бошқарув Раиси ўринбосари
Басидов Искандар Сабитович	Банк Кенгаши аъзоси	«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Бошқаруви Раиси
Мирзаев Мубин Мухитдинович	Банк Кенгаши аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари
Хайдаров Ахадбек Яхёбекович	Банк Кенгаши аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари
Хусанов Нодирбек Джуммаевич	Банк Кенгаши аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бошлиғи
Ғуломов Саидахрол Фаниевич	Банк Кенгаши аъзоси	Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари
Якубов Рискивой	Банк Кенгаши аъзоси	“Ўзкимёсаноат” ДАК Бошқаруви Раиси маслаҳатчиси

**БАНК БОШҚАРУВИ**

Абдуллаев Абдурасул Неъматович	Бошқарув Раиси	Банк Кенгаши томонидан 2010 йил 20 июль куни тайинланган
Обиджонов Жаҳонгир Обиджонович	Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари	Банк Кенгаши томонидан 2007 йил 16 ноябрь куни тайинланган
Якубов Шухрат Исраилович	Бошқарув Раиси ўринбосари	Банк Кенгаши томонидан 2006 йил 14 август куни тайинланган
Ходжаев Саидкамол Саидкаримович	Бошқарув Раиси ўринбосари	Банк Кенгаши томонидан 2013 йил 3 апрель куни тайинланган
Усманов Бахтиёр Мамажонович	Юридик бошқарма бошлиғи	Банк Кенгаши томонидан 2006 йил 24 ноябрь куни тайинланган
Рашидов Абдухалил Абдурахимович	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори – Бош бухгалтер	Банк Кенгаши томонидан 2013 йил 17 май куни тайинланган

**БАНК ТАФТИШ КОМИССИЯСИ**

Ахмедова Альфия Наильевна	Тафтиш комиссияси Раиси	«Тошшаҳартрансхизмат» АК бош бухгалтери
Агзамов Жасурбек Абсаматович	Тафтиш комиссияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси сектор мудири
Трофимова Инна Юрьевна	Тафтиш комиссияси аъзоси	«Ўзбекэнерго» ДАК бош бухгалтери в.б.
Камалов Аюбхон Арибджанович	Тафтиш комиссияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бўлим бошлиғи
Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич	Тафтиш комиссияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси эксперт гуруҳи етакчи мутахассиси

**БАНК САНОҚ КОМИССИЯСИ**

Абдукадыров Дилшод Мирзаитович	Саноқ комиссияси Раиси	Банкнинг Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Абдувалиева Фарида Абдурахимовна	Саноқ комиссияси аъзоси	«Ўзбекэнерго» ДАК, бош мутахассиси
Маҳмудов Одил Олимжонович	Саноқ комиссияси аъзоси	«Монтаж қурилиш хизмат» МЧЖ директори
Матназаров Жасур Шухратович	Саноқ комиссияси аъзоси	Банкнинг Юридик бошқармаси етакчи мутахассиси
Юсупова Гулмира Абдулманнаповна	Саноқ комиссияси аъзоси	“Конструктор” МЧЖ бош бухгалтери

# АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING КУН ТАРТИБИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

2014 йил 2 май

Бошланиши: 11:00

1. Банк фаолиятининг 2013 йил якунлари тўғрисидаги Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
2. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш;
3. Банкнинг 2013 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи, 2013 йилдаги харажатларини тасдиқлаш ва Банкнинг фойдасини тақсимлаш;
4. Банк фойдасининг бир қисми ҳисобига Банк акцияларининг номинал қийматини ошириш орқали Банк Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банк акцияларининг янги чиқарилишини амалга ошириш;
5. 2014 йил учун Банкнинг ташқи аудиторини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;
6. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш;
7. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
8. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йил муддатга узайтириш;
9. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

# АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ҲАҚИДАГИ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

2014 йил 2 май

Бошланиши: 11:00

Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш

10:00 — 11:00

Банк Саноқ комиссиясининг йиғилиш кворуми ҳақидаги ахбороти

11:00 — 11:05

Ташкилий масалалар:

11:05 — 11:15

- Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органларини сайлаш
- Йиғилишни ўтказиш тартибини келишиб олиш

Банк Бошқаруви Раиси ҳисоботи

11:15 — 11:35

Банк Тафтиш комиссияси Раиси ҳисоботи

11:35 — 11:55

Маърузалар бўйича муҳокамалар

11:55 — 12:30

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш

12:30 — 12:50

Саноқ комиссиясининг овоз бериш яқунлари бўйича ахбороти

12:50 — 13:00

## БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ 2014 ЙИЛГА ТАҚҚОСЛАНГАН ҲОЛДА 2013 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткичлар	2014 йил 1 январь	2013 йил 1 январь
Банк филиаллари сони	44	44
* <i>Касса тармоқлари</i>	44	44
* <i>Жамғарма кассалар</i>	62	127
* <i>Маиший хизматлар учун тўловлар қабул қилиш бўйича махсус кассалар</i>	42	56
* <i>Валюта айирбошлаш шохобчалари</i>	53	33
* <i>Конверсион бўлимлар</i>	38	38
* <i>Деҳқон ва буюм бозорларида тўловлар қабул қилиш бўйича шохобчалар</i>	22	47
* <i>Мини-банклар</i>	44	74
* <i>Тўлов шохобчалари</i>	131	63
Ходимлар сони	3.781	3.874
Акциядорлар сони	34.709	34.939
* <i>юридик шахслар</i>	3.777	3.772
* <i>жисмоний шахслар</i>	30.932	31.167
Банк активлари, млн. сўм	6.829.929,12	5.036.507,30
Банк умумий капитали, млн. сўм	430.422,71	335.040,29
<i>Банк Устав капитали, млн. сўм</i>	<i>318.543,01</i>	<i>251.836,30</i>
Даромадлар, млн. сўм	494.980,4	390.223,3
Харажатлар, млн. сўм	448.008,3	358.384,0
Фойда, млн. сўм	46.972,1	31.839,3
Даромадлар тузилмаси, %	100	100
* <i>кредит қўйилмаларидан</i>	65,9	56,4
* <i>қимматли қоғозлар билан операциялардан</i>	0,8	1,0
* <i>хорижий валюта билан операциялардан</i>	5,3	7,7
* <i>Банк томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича</i>	25,2	29,1
* <i>бошқа даромадлар</i>	2,8	5,8
Молиявий ресурслар тузилмаси, %	100,00	100,00
* <i>ўз маблағлари</i>	6,3	6,65
* <i>жалб қилинган маблағлар</i>	36,13	43,87
* <i>банклараро кредитлар</i>	14,51	11,56
* <i>бошқа кредитлар</i>	41,84	34,65
* <i>бошқа пассивлар</i>	1,22	3,27
Активлар тузилмаси, %	100,00	100,00
* <i>мижозларга берилган ссудалар, соф</i>	70,15	67,53
* <i>ЎзР Марказий банкидаги маблағлар</i>	8,46	10,10
* <i>бошқа банклардаги маблағлар</i>	16,00	16,04
* <i>қимматли қоғозлар</i>	0,00	0,00
* <i>асосий воситалар ва номоддий активлар</i>	1,63	2,05
* <i>касса</i>	0,95	0,89
* <i>инвестициялар, соф</i>	1,55	1,72
* <i>бошқа активлар</i>	1,26	1,67
Кредит қўйилмалари, млн. сўм	4.944.249,23	3.516.634,34
* <i>қисқа муддатли кредитлар</i>	781.988,9	598.236,5
* <i>узоқ муддатли кредитлар, шу жумладан лизинг операциялари</i>	4.161.260,33	2.917.195,84
	26.275,2	19.405,0
* <i>факторинг операциялари</i>	1.000,0	1.202,00

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА 2013 ЙИЛДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ КРЕДИТ ҚЎЙИЛМАЛАРИ, МЛН. СЎМ

	Жами	Қисқа муддатли	Узоқ муддатли (ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА)	ФАКТОРИНГ
<b>Жами</b>	<b>1.268.323,28</b>	<b>679.948,91</b>	<b>587.374,37</b>	<b>1.000,0</b>
шу жумладан, кичик бизнес	381.310,62	88.817,09	292.493,53	-
<b>Саноат: шу жумладан</b>	<b>791.326,43</b>	<b>496.172,48</b>	<b>294.153,95</b>	<b>1.000,0</b>
<i>Нефт ва газ</i>	168.684,80	143.208,70	24.476,10	1.000,0
<i>Кўмир</i>	12.179,47	12.179,47	-	-
<i>Энергетика</i>	161.638,60	122.808,52	38.830,08	-
<i>Электртехника</i>	-	-	-	-
<i>Кимё</i>	144.599,09	113.043,90	31.555,19	-
<i>Машинасозлик</i>	30.212,10	10.325,50	19.886,60	-
<i>Енгил ва маҳаллий</i>	44.091,17	2.443,95	41.647,22	-
<i>ТоҒ-КОН</i>	-	-	-	-
<i>Бошқалар</i>	229.921,20	92.162,44	137.758,76	-
<b>Қишлоқ хўжалиги</b>	<b>43.172,83</b>	<b>4.010,59</b>	<b>39.162,24</b>	
<b>Транспорт ва коммуникация</b>	<b>100.782,03</b>	<b>72.154,56</b>	<b>28.627,47</b>	-
<b>Қурилиш</b>	<b>98.986,34</b>	<b>52.991,83</b>	<b>45.994,51</b>	-
<b>Савдо</b>	<b>86.884,30</b>	<b>30.320,52</b>	<b>56.563,78</b>	-
<b>Моддий-техник таъминот ва сотув</b>	<b>15.863,74</b>	<b>10.698,72</b>	<b>5.165,02</b>	-
<b>Бошқа тармоқлар</b>	<b>131.307,61</b>	<b>13.600,21</b>	<b>117.707,40</b>	-
Таълим кредитлари	2.037		2.037	
Истеъмол кредитлари	16.979,7		16.979,7	
Ипотека кредитлари	59.325,3		59.325,3	
<b>Жами</b>	<b>78.342,0</b>	<b>-</b>	<b>78.342,0</b>	

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА 2013 ЙИЛДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ\* КРЕДИТ ҚЎЙИЛМАЛАРИ, МЛН. СЎМ

	Жами	Қисқа муддатли	Узоқ муддатли	ФАКТОРИНГ
<b>Жами</b>	<b>3.675.925,95</b>	<b>102.039,98</b>	<b>3.573.885,97</b>	-
шу жумладан, кичик бизнес	20.638,87	-	20.638,87	-
	-	-	-	-
<b>Саноат</b>	<b>3.389.598,14</b>	<b>68.406,62</b>	<b>3.321.191,52</b>	-
<i>Нефт ва газ</i>	1.825.103,75	68.406,62	1.756.697,13	-
<i>Кўмир</i>	-	-	-	-
<i>Энергетика</i>	600.448,78	-	600.448,78	-
<i>Электртехника</i>	94.757,12	-	94.757,12	-
<i>Кимё</i>	855.936,94	-	855.936,94	-
<i>Машинасозлик</i>	-	-	-	-
<i>Енгил ва маҳаллий</i>	10.045,70	-	10.045,70	-
<i>ТоҒ-КОН</i>	3.305,85	-	3.305,85	-
	-	-	-	-
<b>Қишлоқ хўжалиги</b>	<b>5.271,23</b>	-	<b>5.271,23</b>	-
<b>Транспорт ва коммуникация</b>	<b>243.462,56</b>	-	<b>243.462,56</b>	-
<b>Қурилиш</b>	<b>495,29</b>	-	<b>495,29</b>	-
<b>Савдо</b>	<b>33.633,36</b>	<b>33.633,36</b>	-	-
<b>Моддий-техник таъминот ва сотув</b>	-	-	-	-
<b>Бошқа тармоқлар</b>	<b>3.465,37</b>	-	<b>3.465,37</b>	-

\*2013 йил 31 декабр кунига Ўз Р МБ белгиланган курс — 1 АҚШ доллари = 2202,20 сўм, 1 евро = 3031,90 сўм.

## Аҳоли омонатлари, МЛН. СЎМ

	2013 йил	2012 йил
Аҳоли омонатлари	319.941,4	268.402,7



## МУОМАЛАГА ЧИҚАРИЛГАН ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР, ЎРНАТИЛГАН ТЕРМИНАЛЛАР ВА БАНКОМАТЛАР

	2013 йил	2012 йил
<b>Пластик карточкалар, дона</b>	<b>888.367</b>	<b>824.171</b>
шундан:		
жисмоний шахслар	886.669	822.753
юримдик шахслар	1.698	1.418
<b>Терминаллар ва банкоматлар, дона</b>	<b>7.155</b>	<b>6.547</b>
терминал	7.121	6.513
банкомат	20	20
инфокиоска	14	14

\*муддати тугаган пластик карточкалар филиаллар балансидан чиқариб ташланди.

## БАНК ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР	2013 йил	2012 йил
<b>Капитал етарлилиги кўрсаткичлари</b>		
Капитал етарлилиги коэффициенти, $\geq 0,1$	0,125	0,124
1-даражали капитал етарлилиги коэффициенти, $\geq 0,05$	0,109	0,117
<b>Ликвидлик кўрсаткичлари</b>		
Жорий ликвидлик коэффициенти, $\geq 0,3$	1,021	0,696
<b>Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича меъёрлар</b>		
Бир эмитент чиқарган қимматли қоғозларга инвестицияларнинг максимал ҳажми, $\leq 0,15$	0,006	0,014
Барча эмитентларнинг Устав капитали ва бошқа қимматли қоғозларга инвестицияларнинг максимал умумий ҳажми, $\leq 0,5$	0,21	0,022

## 2013 йил 31 декабрь ҳолатига Банк Бухгалтерлик Баланси, минг сўм

<b>АКТИВЛАР</b>		
1	Нақд пул	64.899.044
2	Ўз Р Марказий банкидан олинши лозим бўлган маблағлар	578.038.620
3	Бошқа банклардан олинши лозим бўлган маблағлар	1.093.072.287
4	Олди-сотди учун қимматли қоғозлар	0
5	Инвестициялар	
	А) сотиш учун амалда мавжуд бўлган инвестициялар	875
	Б) сўндириш муддатигача сақланадиган инвестициялар	9.920.000
6	Банкларга берилган кредитлар	0
7	Мижозларга берилган кредитлар, соф баланс қиймати бўйича	4.773.076.424
8	Молиявий ижара	17.976.764
9	Қарам хўжалик жамиятларга қилинган инвестициялар	95.124.317
10	Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар	715.672
11	Асосий воситалар	109.479.526
12	Номоддий активлар	2.025.564
13	Банкнинг бошқа хусусий мулклари	40.392.512
14	Солиқ талаблари	2.586.778
15	Бошқа активлар	42.620.739
<b>16 ЖАМИ АКТИВЛАР:</b>		<b>6.829.929.122</b>
<b>Мажбуриятлар</b>		
<i>Депозитлар</i>		
1	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	1.788.098.320
2	Жамғарма депозитлар	78.152.272
3	Муддатли депозитлар	134.240.556
4	Депозит сертификатлари	14.756.000
5	Ҳукумат ҳисобварақлари	9.574
	<i>Жами депозитлар</i>	<i>2.015.256.722</i>
6	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўланадиган маблағлар	1.687.281
7	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тўланадиган маблағлар	0
8	Бошқа банкларга тўланадиган маблағлар	1.125.453.158
9	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари	2.855.623.899
10	Хосилавий молиявий воситалар	1.266.949
11	Солиқ мажбуриятлари	6.563.599
12	Бошқа мажбуриятлар	352.982.838
13	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	37.060.000
<b>14 Жами мажбуриятлар</b>		<b>6.395.894.446</b>
<b>Ўз капитали</b>		
15	Оддий акциялар	312.973.008
16	Имтиёзли акциялар	5.570.000
17	(қайта сотиб олинган ўз акциялари)	0
18	Жами Устав капитал	318.543.008
19	Қўшилган капитал	696.121
20	Захира капитали	55.855.783
21	Тақсимланмаган фойда	58.939.764
<b>Жами ўз капитали</b>		<b>434.034.676</b>
<b>22 ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ЎЗ КАПИТАЛИ:</b>		<b>6.829.929.122</b>

**ХОДЖАЕВ С. С.**  
**БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ**  
**ЎРИНБОСАРИ**

**РАШИДОВ А.А.**  
**БОШ БУХГАЛТЕР**

## 2013 йилга Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, минг. сўм

<b>Моддалар номи</b>		
1	Фоизли даромадлар	346.671.710
2	Фоизли харажатлар	185.288.243
<b>Соф фоизли даромад</b>		<b>161.383.467</b>
3	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — ссудалар ва бўнақлар	71.482.348
<b>Ссудалар ва бўнақлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашдан кейинги қолган соф даромад</b>		<b>89.901.119</b>
4	Йиғимлар ва воситачилик ҳақлари бўйича соф даромад	100.224.852
5	Хорижий валютадаги операциялардан олинган соф фойда	8.688.183
6	Бошқа операцион даромадлар	10.455.161
<b>Операцион харажатлар амалга оширилгунга қадар бўлган жами соф даромад</b>		<b>119.368.196</b>
7	Иш ҳақи ва ходимларга бошқа тўловлар	86.559.359
8	Бошқа операцион харажатлар	60.956.279
<b>Жами операцион харажатлар</b>		<b>147.515.638</b>
9	Фойда солиғи тўлангунга қадар олинган фойда	61.753.677
10	Фойда солиғини баҳолаш	14.781.624
<b>Соф фойда (зарарлар)</b>		<b>46.972.053</b>

\_\_\_\_\_  
**Ходжаев С.С.**  
**Бошқарув Раисининг**  
**Ўринбосари**

\_\_\_\_\_  
**Рашидов А.А.**  
**Бош бухгалтер**

**Акциядорлар умумий йиғилиши  
кун тартибининг 3-масаласи  
бўйича маълумот ва таклиф**

**Ҳурматли акциядорлар!**

Сизнинг эйтиборингизга 2013 йил давомидаги Банкнинг даромад ва ҳаражатлари тўғрисида ҳамда Бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ахбороти тақдим этилмоқда.

2013 йилдаги молиявий-хўжалик фаолият якуни натижасига кўра даромад 494.980,4 млн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 26,8%га ёки 104.757,0 млн. сўмга ошган. Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган бюджет даромад қисмининг бажарилиши 119,8 %га таъминланди. Фоизли даромадлар 347.238,7 млн. сўм ёки олинган даромадларнинг 70,2 %ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 106.823,1 млн. сўмга ёки 44,4 фоизга ўсди.

Бюджетнинг ҳаражат қисми 448.008,3 млн. сўмдан иборат бўлиб, бу режага нисбатан 119,3%ни, шу жумладан фоизли ҳаражатлар 116,2%ни, фоизсиз ҳаражатлар 103,6 %ни ва операцион ҳаражатлар 123,4%ни ташкил этди. Ҳаражатларнинг асосий қисми операцион ҳаражатлар улушига 218.997,9 млн. сўм ёки 48,9 %га тўғри келди.

Акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Марказий банкнинг "Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби"га асосан Банк активлари таснифланди ва шунга мувофиқ тегишли захиралар яратилди. Операцион ҳаражатлар таркибида актив операциялар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захиралари 71.482,4 млн. сўм ёки 32,6 %ни ташкил қилди.

Даромадларнинг ўсиш суръати ҳаражатлар ўсиши суръатига нисбатан 1,8 %га ортиқ бўлди.

Ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан жами 4.202,7 млн. сўм миқдорида ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди, шундан 1.250,0 млн. сўм Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ажратилди.

Банкнинг 2013 йил натижаларига кўра фойда режаси 125,3 фоизга бажарилди, соф фойда 46.972,1 млн. сўм, рентабеллик даражаси эса 9,5 %ни ташкил этди.

Банк Кенгаши томонидан Банкнинг 2013 йилдаги ҳаражатлари, солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда, 448.008,3 млн. сўм миқдорида тасдиқланиши таклифи киритилади.

2013 йил якунига кўра 46.972,1 млн. сўм миқдоридаги банк фойдасини қўйидаги тартибда тақсимлаш таклиф этилади:

А) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 26 ноябрдаги "2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ПҚ-1438-сонли Қарори талабларини бажариш мақсадида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини ошириш орқали унинг инвестициявий имкониятларини кенгайтириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш учун, Банк умумий капиталини кўпайтиришга 45.585,8 млн. сўм миқдорида маблағ йўналтириш, шу жумладан:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 2.348,6 млн. сўм;
- Имтиёзли кредитлаш фондиди шакллантиришга – 4.920,6 млн. сўм;
- Банк акцияларининг номинал қийматини ошириш орқали Банк Устав капиталини кўпайтиришга — 38.316,6 млн. сўм.

Б) Фойданинг 1.386,3 млн. сўм миқдордаги қисмини қўйидагиларга йўналтириш, шу жумладан:

- 2013 йил учун имтиёзли акциялар бўйича йиллик 20% ҳисобидан — 1.166,8 млн. сўм миқдорида дивидендлар тўлашга ҳамда акцияларнинг номинал қийматини оширилиши ҳисобига инвестицион даромадлилик 11,5 % ни ташкил этишини инobatга олиб оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланмаслик таклиф этилмоқда;
- Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини тақдирлашга — 203,0 млн. сўм.
- Тақсимланмаган фойдадан қолаётган қолдиқ маблағ – 16,5 млн. сўм

**Мазкур таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўраймиз**

**Банк Кенгаши**

**Акциядорлар умумий йиғилиши  
кун тартибининг 4-масаласи  
бўйича маълумот ва таклиф**

**Ҳурматли акциядорлар!**

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан бири бу банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш, иқтисодиёт тармоқларидаги тузилмавий ислохотларда фаол иштирок этишдан иборатдир.

Банкка бўлган ишончни, шунингдек Банк инвестицион лаёқатлилигини ошириш йўлларида бири бу – фойданинг бир қисмини Банк Устав капиталига йўналтиришдир. Ушбу жараёни амалга ошириш учун Банк акцияларининг номинал қийматини 335,0 (уч юз ўттиз беш) сўмга ошириш таклиф этилмоқда. Натижада, Банкнинг Устав капитали 38.316.663.500,0 (ўттиз саккиз миллиард уч юз ўн олти миллион олти юз олти миң уч миң беш юз) сўмга оширилиб, 371.957.581.200,0 (уч юз етмиш бир миллиард тўққиз юз эллик етти миллион беш юз саксон бир миң икки юз) сўмга етказилади.

Бунда ҳар бир акциядорнинг инвестициявий даромади 11,5 %ни ташкил қилади.

Банкнинг ресурс базаси ва капиталлашув даражасини доимий равишда ошириб борилиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини лойиҳавий молиялаштириш имкониятини кенгайтиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сизнинг эътиборингизга Банк акцияларининг номинал қийматини 335,0 (уч юз ўттиз беш) сўмга ошириш ва бир дона акциянинг номинал қийматини 3.252,0 (уч миң икки юз эллик икки) сўм деб белгилаш ҳамда Банк акцияларининг янги чиқарилишини амалга ошириш таклифи этилмоқда.

**Мазкур таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўраймиз**

**Банк Кенгаши**

**Акциядорлар умумий йиғилиши  
кун тартибининг 5-масаласи  
бўйича маълумот ва таклиф**

**Ҳурматли акциядорлар!**

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 64 ва 65–моддаларига ҳамда Банк Уставига мувофиқ Банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизматлари ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киради.

Банкнинг 2013 йил фаолияти якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун республикада ҳамда жаҳонда нуфузли обрўйга эга бўлган 3 та ташқи аудиторлик компаниялари «ПрайсвотерхаусКуперс» МЧЖ, «Эрнст энд Янг» МЧЖ ҳамда «Делойт энд Туш» ўртасида танлов ўтказилган бўлиб, танлов натижаларига кўра «ПрайсвотерхаусКуперс» МЧЖ рақобатлилиги сабабли ютиб чиққан ва Банк акциядорлар умумий йиғилишида Банк аудитори этиб тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблари ҳамда "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилгача текшириши мумкинлигидан келиб чиқиб, 2013 йил якунлари бўйича Банк аудитори ҳисобланган «ПрайсвотерхаусКуперс» МЧЖ компанияси томонидан ўзаро ҳамкорликни 2014 йил якунлари бўйича давом эттириш ҳамда аудиторлик хизмат ҳақи миқдорини ўтган йилги нарх доирасидан 120.000,0 АҚШ доллари ошмаган ҳолда белгилаш юзасидан тижорат таклифи келиб тушди.

«ПрайсвотерхаусКуперс» МЧЖ аудиторлик компанияси томонидан хизмат кўрсатиш сифатини юқорилиги ҳамда аудиторлик хизмат ҳақининг ўтган йилги нархдан ошмаган миқдорда қолишини ҳисобга олиб, 2014 йил учун Банк аудитори этиб «ПрайсвотерхаусКуперс» аудиторлик компаниясини тасдиқлаш ҳамда хизмат ҳақи миқдорини 120.000,0 АҚШ долларигача белгилаш таклифи киритилади.

**Мазкур таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўраймиз**

**Банк Кенгаши**

**Акциядорлар умумий йиғилиши  
кун тартибининг 6-масаласи  
бўйича таклиф**

**Ҳурматли акциядорлар!**

Акциядорлар таклифларини ҳамда уларнинг Банк Устав капиталидаги улушларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2084-сонли Фармони талабларини инobatга олган ҳолда, Банк Кенгаши таркибига киритиш учун қўйидаги номзодлар Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритилмоқда:

1	Алимов Бедил Хондамирович	“Ўзбекнефтгаз” МХК Бошқаруви Раиси ўринбосари
2	Басидов Искандар Сабитович	“Ўзбекэнерго” ДАК Бошқаруви Раиси
3	Ибрагимов Ғуломжон Иномович	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари
4	Қўчқаров Зокир Қурбаналиевич	“Ўзкимёсаноат” ДАК Бошқаруви Раиси ўринбосари
5	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари
6	Хайдаров Ахадбек Яҳёбекович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари
7	Хусанов Нодирбек Джуммаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бошлиғи
8	Ғуломов Равшан Аюбович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори
9	Ғуломов Саидахрол Ғаниевич	Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари, миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этади

**Мазкур таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўраймиз**

**Банк Кенгаши**

**Акциядорлар умумий йиғилиши  
кун тартибининг 7-масаласи  
бўйича таклиф**

**Ҳурматли акциядорлар!**

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни талаблари ва Банк Уставига мувофиқ ҳамда акциядорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, Банк Тафтиш комиссияси таркибига киритиш учун қуйидаги номзодлар Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритилмоқда:

1	Абдувалиева Фарида Абдурахимовна	Ўзбекэнерго» ДАК бош мутахассис
2	Ахмедова Альфия Наильевна	«Тошшаҳартрансхизмат» АК бош бухгалтер
3	Дўсматов Фарход Мусурмонович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи
4	Камалов Аюбхон Арибджанович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи
5	Мухтаров Улуғбек Хақимович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи

**Мазкур таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўраймиз**

**Банк Кенгаши**



**Акциядорлар умумий йиғилиши кун  
тартибининг 8-масаласи бўйича  
Банк Кенгаши хулосаси ва таклифи**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Кенгашининг Банк Бошқаруви Раиси ва  
Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини  
1 йил муддатга узайтириш тўғрисидаги  
ХУЛОСАСИ**

Банк Кенгаши томонидан Банк Бошқаруви Раиси А.Н.Абдуллаев ва Бошқаруви аъзолари Ж.О.Обиджонов, Ш.И.Якубов, С.С.Ходжаев, Б.М.Усмонов, А.А.Рашидов билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш масаласи кўриб чиқилди.

2013 йил давомида Банк бир маромда фаолият юритди ҳамда Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Бизнес-режада ўрнатилган барча молиявий кўрсаткичлар бажарилди. 2013 йил якунлари бўйича 46.972,1 млн. сўм миқдорида соф фойда олинишига эришилди.

2013 йил якунлари бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг компаниясининг «uzA+» даражасида «Ижобий» прогноз билан юқори рақобатбардошлик рейтингини қўлга киритди.

Банкнинг барқарор ривожланиб бораётганлиги халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳонда катта нуфузга эга «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ рейтингини «B» даражасида «Барқарор» рейтинг даражасини қайта тасдиқлади. Ҳисобот йилида яна бир нуфузли рейтинг агентлиги «Standard&Poor's» ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБга «Барқарор» бўлган халқаро рейтингини қайта белгилади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Банк Кенгаши Банк Бошқарувининг 2013 йил давомидаги фаолиятини қониқарли деб топишни ҳамда Акциядорлар умумий йиғилишига Банк Бошқарув Раиси А.Н.Абдуллаев ва Бошқарув аъзолари Ж.О.Обиджонов, Ш.И.Якубов, С.С.Ходжаев, Б.М.Усмонов, А.А.Рашидов билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтиришни тавсия этади.

**Мазкур таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўраймиз**

**Банк Кенгаши**

**Акциядорлар умумий йиғилиши кун  
тартибининг 9-масаласи бўйича  
Банк Кенгаши хулосаси ва таклифи**

**Ҳурматли акциядорлар!**

Банк Устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш орқали кўпайтирилиши муносабати билан Банк Уставига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда:

1. Банк Уставининг 16.1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16.1. Банкнинг устав капитали (жойлаштирилган акциялар сони) 371.957.581.200 (уч юз етмиш бир миллиард тўққиз юз эллик етти миллион беш юз саксон бир минг икки юз) сўми ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 365.453.581.200 (уч юз олтмиш беш миллиард тўрт юз эллик уч миллион беш юз саксон бир минг икки юз) сўм бўлган 112.378.100 (бир юз ўн икки миллион уч юз етмиш саккиз минг бир юз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий қиймати 6.504.000.000,0 (олти миллиард беш юз тўрт миллион) сўм бўлган 2.000.000 (икки миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

2. Банк Уставининг 22-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Банк акциясининг номинал қиймати 3.252,0 (уч минг икки юз эллик икки) сўми ташкил қилади. Банк акцияси бўлинмасдир.»

**Мазкур таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўраймиз**

**Банк Кенгаши**

**“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банки  
Акциядорларининг умумий йиғилиши  
Қарори**

Тошкент ш.

2014 йил 2 май

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг 2013 йилдаги фаолияти якунлари  
ва 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши банк тизимини ва Республика иқтисодиётини ислоҳ этиш ҳамда миллий иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини бажаришга йўналтирилган Банкнинг бир маромда барқарор фаолият юритаётганлигини қайд этади.

2013 йил якунлари бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ “Ахбор-Рейтинг” миллий рейтинг компаниясининг “uzA+” даражасида «Ижобий» прогноз билан юқори рақобатбардошлик рейтингини қўлга киритди.

Банкнинг барқарор ривожланиб бораётганлиги халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳонда катта нуфузга эга “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ рейтингини “В” даражасида “Барқарор” рейтинг даражасини қайта тасдиқлади. Ҳисобот йилида яна бир нуфузли рейтинг агентлиги “Standard&Poor’s” ҳам “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБга “Барқарор” бўлган халқаро рейтингини қайта белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш; базавий тармоқлар корхоналари қарзини таркибий ўзгартириш ва уларни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш; озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш; банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялаш бўйича инвестицион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш; бозор ва банк инфратузилмасини кенгайтириш, молиявий кўрсаткичларни янада яхшилаш, аҳолининг бутун банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган қарорлари ва дастурларини бажарилишида Ўзсаноатқурилишбанкнинг иштирокини фаоллаштириш, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сонли “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 13 августдаги ПҚ-944-сонли “Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли “Банк тизими молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестицион фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “Ўзбекистон Республикаси саноатини 2011-2015 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 мартдаги 83-сонли “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банки капиталлашувини оширишнинг қўшимча “чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ижросини таъминлаш

мақсадида ҳамда кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Банкнинг 2013 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти " \_\_\_\_\_ " деб топилсин;
  - 1.1. Банк Кенгаши ва Бошқаруви мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда янги хизмат турларини жорий этиш асосида Банкни ривожлантириш, унинг инвестицион фаолияти самарадорлигини, шунингдек кредит қўйилмалари рентабеллигини ошириб боришни, акциядорлар ва омонатчиларнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминласин;
  - 1.2. Қуйидагилар Банкнинг 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:
    - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги 944-сонли "Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 мартдаги 83-сонли "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" очик акциядорлик тижорат банки капиталлашувини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган Банкнинг энг асосий ва муҳим вазифаларини доимий тарзда ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;
    - Бизнеснинг юқори даражасини сақлаб қолиш ҳамда жаҳон ва миллий стандартларга мувофиқ Банкнинг юқори рейтинг кўрсаткичларига эришиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Белгиланган кўрсаткичларни бажариш мақсадида, қўшимча акциялар, корпоратив облигациялар, депозит сертификатларни чиқариш ва жойлаштириш ҳисобига Банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш. Банк томонидан чиқариладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни қонунчиликда белгиланган тартибда "Тошкент" РФБ ОАЖ орқали жойлаштириш;
    - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли "2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори талабларидан келиб чиқиб Банкнинг умумий капиталини ўртача 2,1 мартага оширилишини таъминлаш;
    - Иқтисодиётнинг устувор тармоқлари бўлган ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё корхоналари, шунингдек қурилиш лойиҳаларини амалга ошираётган ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш, корпоратив бозор сегментида асосий устуворлиги бўлган Банкнинг кредит сиёсатини такомиллаштириш ҳамда мавжуд ва жалб қилинган манбалар ҳисобидан узоқ муддатли кредитлар бериш. Республиканинг 2014 йилга мўлжалланган Инвестицион дастурини амалга ошириш бўйича топшириқларнинг ижросини таъминлаш;
    - Иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашнинг шакл, тур ва миқдорларини кенгайтириш ва бунда кредит хатарларидан ҳимояланиш воситаларини доимо такомиллаштириб бориш;
    - Кичик бизнес вакилларига ҳар томонлама кўмаклашиш. Микрокредитлаш, айниқса, фермер ва деҳқон хўжалиklarини микрокредитлаш, оилавий

тадбиркорликни, аёллар тадбиркорлигини кредитлашни ривожлантириш жараёнини давом эттириш. Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий банкларнинг кредит линияларини ўзлаштириш;

- Маҳаллий хом ашё базасида тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқарувчи маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарни кредитлаш;
- Банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек келгусида уларни стратегик инвесторларга сотиш;
- Банк филиалларида аҳоли омонатларининг миллий ҳамда хорижий валютадаги қолдиқлари ўсишини таъминлаш;
- Пул муомаласини барқарорлаштириш дастурини амалга ошириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишда иштирок этиш;
- Янги мижозларни жалб этиш, хизмат кўрсатиладиган тармоқлар, хўжалик субъектлари сонини кўпайтириш ва замонавий турдаги банк хизматларини кўрсатиш;
- Савдо нуқталарида ва коммунал тўловларни қабул қилиш жойларида терминаллар тармоғини кўпайтириш, иш ҳақи лойиҳаларини кенгайтириш;
- Замонавий талаб ва вазифаларга жавоб берадиган қатъий кадрлар сиёсатини олиб бориш, банк фаолиятидаги ижобий молиявий натижалари, обрў-эътибори, юқори сиёсий маданияти, ишни билиши, масъулиятни сезиши, қатъийлиги, ташаббускорлиги, малакаси ва бошқа ишчанлик фазилатларини ҳисобга олган ҳолда раҳбар ва мутахассис ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш тамойилларидан чекланишга йўл қўймаслик.

1.3. Банк Кенгаши томонидан Банкнинг 2014 йил учун Бизнес режаси ва молиявий режасини 526.740,1 млн. сўм миқдорида даромад, 475.740,1 млн. сўм миқдорида ҳаражат ва 51.000,0 млн. сўм миқдорида соф фойда олиш назарда тутилган ҳолда тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Бизнес ва молиявий режаларнинг параметрларини бажаралиши Банк Бошқаруви томонидан таъминлансин.

2. Тафтиш комиссиясининг Банкни 2013 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

3. Банкнинг 2013 йил фаолияти якунлари бўйича қуйидагилар тасдиқлансин:

3.1. 2013 йил 31 декабр якунига Банк бухгалтерлик баланси 6.829.929,1 млн. сўм билан;

3.2. Банкнинг 2013 йилга Фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи 46.972,1 млн. сўм миқдоридаги соф фойда билан;

3.3. Банкнинг 2013 йилдаги ҳаражатлари, солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда 448.008,3 млн.сўм миқдорида;

3.4. Банкнинг ресурс базаси ва капиталлашув даражасини ошириш ҳисобига республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини лойиҳавий молиялаштиришни амалга ошириш мақсадида, 2013 йил якунлари бўйича 46.972,1 млн. сўм банк соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш бўйича Банк Кенгаши таклифига розилик билдирилсин:

- Умумий мақсадли заҳирани шакллантиришга 2.348,6 млн. сум;

- Имтиёзли кредитлаш фондини шакллантиришга 4.920,6 млн. сўм;
  - Банк Устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш орқали кўпайтиришга 38.316,6 млн. сўм;
  - Банк имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга 1.166,8 млн. сўм;
  - Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини тақдирлашга 203,0 млн. сўм
  - Тақсимланмаган фойдадан қолаётган қолдиқ маблағ 16,5 млн. сўм
- 3.5. Банк акциялари бўйича 2013 йил учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги Банк Кенгашининг таклифи қабул қилинсин ва қуйидаги миқдорда дивиденд тўлансин:
- 2013 йил учун имтиёзли акциялар бўйича йиллик 20% ҳисобидан 1.166,8 млн. сўм миқдорида; Дивидендларни тўлаш акциядорларнинг ҳисобварақларига пул ўтказиш орқали мазкур қарор тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг, лекин ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилсин.
  - Банкнинг оддий акциялари учун дивидендлар тўланмасин, шу билан биргаликда акциялар номинал қийматини оширилиши ҳисобига инвестицион даромадлилик 11,5% ни ташкил этаётганлиги инобатга олинсин.
4. Банкнинг 2013 йилдаги соф фойдасининг бир қисми ҳисобига Банк акцияларининг номинал қийматини 335,0 (уч юз ўттиз беш) сўмга ошириш орқали Банк Устав капитални 38.316.663.500,0 (ўттиз саккиз миллиард уч юз ўн олти миллион олти юз олтмиш уч минг беш юз) сўмга кўпайтирилсин. Банкнинг янги Устав капитални 371.957.581.200,0 (уч юз етмиш бир миллиард тўққиз юз эллик етти миллион беш юз саксон бир минг икки юз) сўм этиб ва бир дона акциясининг номинал қиймати 3.252,0 (уч минг икки юз эллик икки) сўм деб белгилансин. Банк акцияларининг янги чиқарилиши амалга оширилсин.
5. Банкнинг 2014 йил учун ташқи аудитори этиб «ПрайсвотерхаусКуперс» МЧЖ компанияси тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг юқори миқдори 120.000,0 АҚШ долларидан (ҚҚС инобатга олмаган ҳолда) ортиқ бўлмаган миқдорда белгилансин.
6. Акциядорлар умумий йиғилишининг овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзолари сайлансин.
7. Акциядорлар умумий йиғилишининг овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Тафтиш комиссияси аъзолари сайлансин.
8. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқаруви аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.
9. Банк Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

**Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг Раиси** \_\_\_\_\_

**Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг Котибияти** \_\_\_\_\_